O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 16 OKTABR ◆ SESHANBA ◆ № 122 (26.824)

11 сентябрь воқеалари дунёни ўзгартирди. Аммо уни террористлар хоҳлаганидек ўзгартира олишмади. Дунё на миллат, на давлат чегаралари ва на диний эътиқодларни тан оладиган халқаро терроризмни поймол этиш иштиёқида янада жипслашди ва бирлашди.

ХАЛҚЛАР ИРОДАСИ БУКИЛМАСДИР

Террористларда жаҳон ҳамжамиятининг иродаси ва руҳини, унинг тинчлик ва осойишталиқда яшаш истагини енгишга ҳеч қандай имконият мавжуд эмаслигига шубҳа йўқдир.

Айниқса, террористлар жанги бошқа диндаги кишиларга қарши олиб борилаётганлигини эшитганингда кишининг қалби ғулувга бота бошлайди. Табиий савол туғилади: «Садоқатсиз»ларга қандай уруш ҳақида гап кетяпти? Ахир Қуръонда, Инжилу Талмудда ва Ведахларда асосий тамойил «ўлдирма» деб келтирилади-ку. Ҳеч бир динда ўзингга ўхшаганларни ўлдириш керак, деб айтилмайди.

Бизга яқин ва узоқ бўлган Америкада, Жаҳон савдо маркази вайроналари остида, ёши ва миллати ҳамда эътиқоди турфа бўлган минглаб ҳалок бўлганлар орасида мамлакатимиз вакиллари ҳам борлигини билиш нақадар оғир ва оғриқлидир. Бири 1975 йилда туғилган, Нью-Йоркдаги Америка-испан институтида хусусий йўл билан таҳсил олаётган ва бир вақтда ушбу бинода кафе кассачиси бўлиб ишлаётган Гавҳарой Қамардинова. Ирина Колпакова эса Жаҳон савдо марказида жойлашган фирмалардан бирида сифат масалалари бўйича менежер вазифасида меҳнат қилаётган эди.

Ваҳшийлашган васвослар ва ушбу одам қиёфасидаги ҳайвонлар диёримизнинг ўзига хос маданияти билан тарбияланган, ўз яқинига ва ватанига муҳаббат ҳамда ёши улуғларга қадр ва ҳурмат билан қараш, ўз халқи анъаналари ва урф-одатларига содиқлик каби тушунчаларни она сути билан симирган инсонлар ҳаётига зомин бўлишди.

Ватандошларимизнинг севиб, севиладиган, атрофдагиларга олам-олам қувонч ҳадя этадиган ва ота-оналарини ардоқлай оладиган энг гўзал бир ёшда ҳаётдан кўз юмишлари, сўзсиз, нафақат бизнинг, балки АҚШнинг барча фуқаролари кўнглида ҳам дард ва алам туйғусини уйғотади.

Шу муносабат билан 12 октябрь куни АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга қуйидаги мазмунда мактуб йўллади:

«Мен Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига 2001 йил 11 сентябрдаги террористик хуруж муносабати билан билдирган самимий ҳамдардлик ва ташвишларингиз учун миннатдорлик билдираман. Бу ваҳший ҳаракатлар озодликка ҳамла бўлди ва барча тараққий этган халқлар учун огоҳлантирувчи омил бўлиб хизмат қилдилар.

Америкаликлар вайроналар келтирган ушбу воқеалардан сўнг мамлакатингиз ўзининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирганидан миннатдордирлар. Шахсан мен ҳам Сиз билан телефон орқали бўлган суҳбатимиз чоғида изҳор этилган самимий ҳамдардлигингиз учун миннатдорман. Шунингдек, мен Сизга ва халқингизга ушбу даҳшатли хуружда Ўзбекистондан ҳам одамлар ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирмоқчиман. Давлат департаментининг ахборотига асосан, айни пайтда Ўзбекистоннинг икки вакили йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Америка халқи нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда оилалар ва биродарлар ўзларининг яқин кишилари учун қайғураётганликларини яхши англайди.

11 сентябрь куни озодликка хуруж этилди, аммо озодлик ҳимояланади. Халқларимизнинг қадриятлари ва принциплари Афғонистонда, Марказий Осиёда ва бутун дунёда терроризмни батамом йўқ қилишнинг ҳал қилувчи омилидир. Мен мазкур мураккаб даъватга жавоб қайтаришда Сиз билан ҳамкорликни сабрсизлик билан кутаман. Кураш балки узоқ давом этар, лекин Сизнинг бирдамлигингиз ва мададингиз бу ишда бизга кучқудрат ва қатъиятлик бағишлайди».

Ҳа, терроризмни бирданига йўқ қилиб бўлмайди. Қанча жўн кўринмасин, бунинг учун бутун дунё ҳамжамиятининг ушбу йўналишдаги аниқ мақсадлари мавжуд бўлган кучлари бирлашиши керак. Ўзбекистон жамоатчилиги ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оилалари ва яқинларига чуқур таъзия билдириши яна бир бор оддий ҳақиқатни тасдиқлайди: халқларнинг терроризмга қарши охиригача курашга бўлган иродаси букилмасдир.

■ «Жаҳон» АА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ўз меҳнати билан элимизда шуҳрат қозонган сиз, пойтахт вилоятининг азамат меҳнаткашларини 275 минг тоннали юксак хирмон яратиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йилги мураккаб табиий шароитда сизлар эришган бу катта муваффақият омилкор деҳқонлар, барча қишлоқ меҳнаткашлари, бутун вилоят аҳлининг биргаликда қилган фидокорона меҳнати натижасидир, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамиша ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида тадбиркорлик фазилатлари, ерга эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир.

Айниқса, сизларнинг давлатга қўшимча равишда яна 15 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз таҳсинга лойиқ.

Ишончим комилки, сиз, ташаббускор ва изланувчан, азми қатъий пойтахт вилояти меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимиз салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файз-барака тилайман.

Яна бир бор эришган улкан меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ҲОСИЛ — 2001»

УЮШҚОҚЛИК НАТИЖАСИ

Тошкент вилоятининг азамат деҳқонлари давлатга пахта топшириш шартномавий-режасини бажардилар. Вилоят пахтакорлари 105500 гектар ерга уруғ қадаб, 275000 тонна сифатли пахта териб олишди. Ҳосилдорлик гектарига 27,4 центнерга етказилди.

Албатта, маррага эришиш осон бўлмади. Чигитни тўлиқ ундириб олиш-у ғўзани сифатли дефоляция қилишгача бўлган агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Теримда жами 230 минг теримчи қатнашди. Улар кучи билан 244000 тонна пахта териб олинди. Ҳар бир килограмм терилган пахтага 22 сўмдан ҳақ ҳар беш кунда бериб борилди. Бунинг учун банклар орқали қарийб 6 миллиард сўмлик маблағ тарқатилди.

Муваффақиятга режаларни ортиғи билан бажарган Чиноз, Юқоричирчиқ, Пскент, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бўка тумани деҳқонлари баракали ҳисса қўшдилар. Оилавий пудратчилар ҳосилдорликни 40-45 центнерга етказдилар. Янгийўл, Қуйичирчиқ ва Бекобод тумани пахтакорлари ҳам режани бажариш арафасида турибдилар.

— Плёнка остига экилган чигит 15-20 кун олдин етилди, —дейди вилоят ҳокимининг агросаноат мажмуи масалалари бўйича котибият мудири Қулмуҳаммад Пайзиев. — Бу эса деҳқонларимизга яна бир имконият бўлди.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Душанба куни эрталабданоқ АҚШ яна ҳаво ҳужумини бошлади. Расмий Пентагон бу сафарги зарбани шу вақтгача йўқ қилинмаган нуқталарга қаратган. Бу нуқталарни толиблар ўрнашган асосий ҳудудлар — Кобул, Қандаҳор ва Жалолобод ташкил этади. Норасмий манбаларга қараганда, ҳаво зарбалари натижасида толиблар томонидан 12 киши қурбон бўлган ҳамда 30 дан ортиғи яраланган.

ЯНА УЧ ҚУРБОН

Нью-Йоркда яна 3 кишида қуйдирги касаллиги аломатлари аниқланди. Шаҳар мэри Рудолф Жулианининг айтишича, улар шифохонага ётқизилган. Ҳозирга қадар АҚШда ушбу касалликка чалинганлар сони ўн иккитага етди. Жойларда қуйдирги тарқалишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ХАЙЯН ТЎФОНИ

Тайван оролига соатига 11 километр тезлик билан Хайян тўфони яқинлашиб келмоқда. Тахминларга кўра, тўфон Хэнчун ва Пинтун туманларига катта зарар етказиши мумкин. Бундан олдинги «Нари» тўфони туфайли Тайбэй шаҳри метросини сув босганди. Шаҳар мэри Ма Инцзю янги тўфон етказиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилажагини айтди.

ОЧИҚ ФАЗОДА ТАДҚИҚОТ

Душанба куни Москва вақти билан 13:16 да Халқаро космик станциянинг иккинчи экспедицияси аъзолари Владимир Дежуров ва Михаил Тюринлар очиқ самога чиқишди. Станциянинг Ердан бошқарув маркази мутахассисларининг таъкидлашларича, улар очиқ фазода тахминан 5 соат давомида изланиш олиб боради.

ХДП ХАБАРИ

ПАРЛАМЕНТ ДЕМОКРАТИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

кўриб чиқилган сиёсий семинар, жорий йилнинг 15 октябрь куни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳар ва унинг тасарруфидаги туманлар партия кенгашлари котиблари ҳамда масъул ходимлари, Олий Мажлисга ХДПдан сайланган қатор депутатлар, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази вакиллари, россиялик меҳмонлар ва пойтахтимизнинг айрим олий ўқув юртлари олимлари иштирок этдилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов семинарда *«Парламент демократияси ва сиёсий плюрализм: жаҳон тажрибаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари»* мавзуида маъруза қилди. Шундан сўнг, Россия Федерал Совети Раисининг маслаҳатчилари — тарих фанлари доктори, профессор П.А. Федосов ва юридик фанлари доктори, профессор Ю. В. Голик, республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори, академик Р.А.Убайдуллаева, Тошкент электротехника алоқа институти профессори, тарих фанлари доктори А.F. Абдунабиев, Ўзбекистон ХДП МК котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И.А.Кочмарик ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзунинг турли жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Маърузачи ва нотиқлар парламент демократияси, парламентчиликнинг халқаро тажрибаси, икки палатали парламентнинг хусусиятлари, сиёсий партиялар парламент фракцияларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари, парламент ва қонунчилик, қонунларнинг халқаро меъёрларга жавоб бериши, фуқаролик жамиятини шакллантириш каби қатор долзарб масалалар хусусида тўхталиб ўтдилар. Семинарда, шунингдек, 11 сентябрь куни АҚШда террорчилик амалларини содир этган жиноятчилар бутун инсониятнинг, умумбашарий демократик тараққиётнинг ёвуз душманлари эканлиги алоҳида таъкидланди.

Семинар ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Элчихонаси маслаҳатчиси В.М. Бледних иштирок этди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 16 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	220,64
1 Австрия шиллинги	28,57
1 Англия фунт стерлинги	625,71
10 Бельгия франки	97,44
1 Голландия гульдени	178,38
10 Греция драхмаси	11,54
1 Дания кронаси	52,88
1 БАА дирхами	117,26
1 АҚШ доллари	430,69
1 Миср фунти	101,34
10 Испания песети	23,63
100 Италия лираси	20,30
1 Канада доллари	276,12
1 Хитой юани	52,04
10 Люксембург франки	97,44
1 Малайзия рингтити	113,35
1 Германия маркаси	200,98
1 Польша злотийси	104,38
1 СДР	550,19
1000 Туркия лираси	0,28
1 Финляндия маркаси	66,11
1 Франция франки	59,93
1 Швейцария франки	265,53
1 ЕВРО	393,09
10 Жанубий Корея вони	3,34
10 Япония иенаси	35,60
1 Россия рубли	14,60
1 Украина гривнаси	80,89

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ЕГАНИНГИЗ ОШ БЎЛСИН»

Республикамизни дунёга машҳур қилган нарсалардан бири таъми оғизда қоладиган ўзбек паловидир. Бу ҳақда кўп ёзилган. Бугун биз бу миллий таомимизни бунёдга келтирувчи шоликорлар тўғрисида ёзишга ахд қилдик.

Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли халқ корпорациясида Озод Акбаров бутун умрини шоличилик ривожи йўлида фидойилик кўрсатиб келаётганлардан, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бугун у фарзандларига ҳам бу соҳанинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Озод Акбаров 111 гектар ерда 12 оилавий пудратчига бош пудратчи ҳисобланади. Бу йил ҳам улар йиллик режани биринчи бўлиб бажардилар. Хўжаликнинг 11115 тонналик шоли хирмонига 505 тонна ўрнига қарийб 700 тоннага яқин ҳосили билан улуш қўшди.

✧✧✧

Суратда: *Озод Акбаров меҳнат самараси ила бунёдга келган гуручдан палов «дамлаб» «Еганингиз ош бўлсин», демоқда.*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар ўз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида «бир идора орқали» шаклида махсус ташкил килинган бўлимларига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— якка тартибдаги тадбиркорлар учун 4 та ҳужжат:

- ❒ давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;
- ❒ 3х4 ўлчамли иккита фотосурат;
- ❒ рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
- ❒ муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт.

— юридик шахслар учун 6 та ҳужжат:

- ◆ ариза;
- ◆ корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
- ◆ тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- ◆ рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
- ◆ фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
- ◆ муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

— фермер хўжаликлари учун 8 та ҳужжат:

- ■ ариза;
- ■ қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
- ■ Низомнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
- ■ тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- ■ рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
- ■ фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
- ■ таниов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари;
- ■ муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

Солиқ инспекцияси, статистика органлари ва Ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва рухсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар 8 кунда, юридик шахслар ва фермерлар 12 кунда тўлиқ таъсис ҳужжатларини ўз қўлига оладилар.

Рўйхатдан ўтказиш идораларига топириладиган таъсис ҳужжатларини туман ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб берадилар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Республика Олий Мажлисининг депутати, Қарши туман ҳокими Сайфулло Хайруллаевни омадли дейишади. Балки бу гап ростдир. Негаки, бу йилгидек қурғоқчилик шароитида ҳам туманда галла сотиш режаси уддаланди. Демак, унинг омади мардона меҳнат қилувчи деҳқонларнинг бирлигида ва жипслигида.

Кеча яна бир хушхабар тарқалди. Туман пахтакорларининг юзи ёруғ бўлди, чекилган заҳмат самарасиз кетмади. 45 минг тонна пахта топшириб, давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. Жами 16 минг 300 гектар ерда деҳқончилик қилиниб, ҳосилдорлик 27,6 центнердан оширилди. «Ипак йўли» ширкат хўжалиги 6 минг тонна пахта сотди. Яхши Омонов, Чўли ота, С. Раҳимов номли ҳамда «Бешкент» хўжаликлари ҳам катта хирмонга муносиб улуш қўшдилар. Теримда 10 мингдан ошиқ ҳашарчи қатнашди. Айни кунда қолган ҳосилни йиғиб олиш учун кураш кетмоқда.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



ОБЪЕКТИВДА ШИФОКОРЛАР ҲАЁТИ

Бир томони далаю дашт, бир томони баланд тоғлар билан ўралган Зомин туманида 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг саломатлигини сақлаш учун 295 ўринли марказий шифохона, табобатхона, 2 та қишлоқ шифохонаси, 9 та амбулатория ва 10 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 1350 нафар шифокор хизмат қилаяпти. Бу ерда ишлаётган малакали тиббиёт ходимлари дардга чалинган беморларни даволаш билан бир қаторда касалликларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият беришаяпти ва энг муҳими, бу борада яхши натижаларга эришилмоқда. Буни туманда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликларга чалиниш ҳолатларининг кескин камайиши ҳам тасдиқлаб турибди.

Айни пайтда марказий шифохона ва табобатхонада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда ва янги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Суратларда: 1. «Тез ёрдам» йўлга чиқаётган пайт. 2. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири Маҳмуд Абдуғаниев, бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Файзулла Исматуллаев ҳамширалар билан.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

ЎКИНЧ

МАЪРИФАТХОНА ЭМИШ...

Шўрчи туман «Матбуот тарқатувчи» бўлимига қарашли олтита газета-журнал дўкони бор. «Қирқ минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар аҳолиси учун бу кам эмасми?» деган савол билан бўлим директори Баҳодир Аллаёровга мурожаат қилдик.

— Йўқ, — дейди у, — аҳолига республика, вилоят ва туман нашрлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Чунончи, 1 сентябрь — Мустақиллик байрами куни 5-дўконга иккита, 6-дўконга эса олтита «Эрудит» берганмиз. Тўртинчи дўкон эса битта «Қишлоқ ҳаёти», олтита «Эрудит» ва 2 дона «Спорт» олган. Хуллас, Шўрчи муштарийларига жами 68 дона газета сотувга чиқарилган.

Яна бир мулоҳаза: бўлимнинг «изланиши» боис, 2001 йилнинг 2-ярим йиллигида нашрлар бармоқ билан санарли — 3-6 донагина сотувга чиқарилмоқда. Нашр тарқатувчилар биноси ҳам бир ҳолда. Эни 3, бўйи 6 метр келадиган «офис»да директор, ҳисобчи, кассир, сотувчи экспедитор «жамулжам». Саралаш хонаси, газета-журнал сотадиган бўлим, газетанинг тартибсиз тахламларию шиша идишлар ҳам дилни хира қилади. Хуллас, ушбу «ноёб офис»га қандай кирсангиз, шундай қайтасиз. Бу аҳволда нашрларга обуналар кўнгилдагидек амалга оширилади, деб бўладими?!

■ **А. ҲАЙДАРОВ**

НИГОҲ

ҚУЁШ БАРИБИР ЧИҚАВЕРАДИ

Бугун матбуотда «Уруш ва тинчлик» деган мавзу кенг қамровда пайдо бўлди. Дунёнинг ҳеч бир нашри йўқки, шу йўналишни асосий воқеа-ҳодисага айлантириб, инсониятни ҳозирги янгиликлардан воқиф қилишга уринмаётган бўлса. Лекин ҳар қайси матбуот бу мавзуга ўзича ёндашаяпти. Асосий мезон — Америка. Яъни, АҚШда содир бўлган даҳшатли террордан сўнгги тафсилотлар оқими ер шарини ларзага, башариятни ҳаяжонга солиб турибди. Қонли террорни ҳар бир журналист, телебошловчи, телехабарчи ўз дунёқараши, фикри-аъмолидан келиб чиқиб шарҳлаяпти. Шундай бўлиши табиий. Ўқувчи ёки телетомошабин ҳам бу тафсилотларга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашади. Майли, дунё оммавий ахборот воситалари ўз билганича воқеликка муносабат билдираяпти, лекин ҳаётий ҳақиқатни ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Нари борса қўл силтаб, ўз фикр ва мулоҳазаларимизга таянган ҳолда ер юзи терроргa қарши курашаяпти, инсон XXI асрда тинч яшаши керак, бироқ террор сайёрамиз осойишталигига хавф солиб, ҳар қайсимизнинг уйимизни куйдиришга, келажагимиздан мосуво этишга шайланди, деб ўйлашимиз мумкин. Шундай бўлса-да, бугун ватанимизга, халқимизга тааллуқли нотўғри, уйдирма, ёлғон ахборотлар кўлами кенгаяётган экан, бизнинг журналистикамиз, матбуот аҳли жим қараб туролмайди.

Матбуотнинг иши нима? Ҳамма билади — воқеликни ўз ҳолича, бор бўйича оммага етказиб, кўрсатиб бериш. Журналистнинг иши-чи? Журналист ўша воқеликка ўз муносабатини билдирар экан, фақат ҳақиқатни айтиб оммани хабардор қилиши лозим. Бу ўринда агар ўша ҳақиқат айтилмаса, воқелик тафсилоти ҳам ёлғонга чиқади. Кейинги пайтларда, айниқса, АҚШ ва Буюк Британия ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудида жойлашган терроризм лагерлари, қурол-яроғ омборлари, терроризм ҳимоячиси — толибларнинг асосий объектларига нисбатан уюштирган ҳужумларидан сўнг дунё ахборот майдонида ҳам «жанг» бошлангандай бўлди. Биринчи томон бор воқеликни ўз ҳолича, моҳиятдан келиб чиқиб террорнинг сабаб-оқибатлари хусусида шарҳласа, иккинчи бир томон бу муҳим вазиятни бузиб, қолаверса, аллақандай кучларнинг манфаати ва маслакларини ҳимоя қилиб майдонга чиққандай бўлди. Ҳайрон қоларли томони шундаки, ер юзида уруш оловини ёқиб, ер юзини қоқ иккига бўлиб, динлараро низо ва қутқу уруғини сочиб, бундан ҳузур-ҳаловат топишни истайдиганлар ҳам борлигидир. Энг ёмони, уларнинг қўлида қалам бор, телекамера мавжуд. XXI асрда ёлғон ахборот, халқлар, давлатлар ўртасига раҳна солишга мўлжалланган сохта телетасвирлар энг замонавий қуроллар, бомбалардан ҳам даҳшатлироқдир. Ҳа, ёлғон ахборот дунёни остин-устун қилиши мумкин. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозирча, АҚШда содир этилган террордан сўнг америкаликлар бошига тушган мусибат ҳақида қисқача баён қилиб ўтсак.

Бир ой бўлди. Америкадаги террор даҳшатлари ҳар бир америкалик ва бу ҳодисадан хабардор, телевидение орқали кўрган ҳар қандай инсоннинг тасаввурида сақланиб қолди. АҚШдаги Умумжаҳон савдо марказида ва Пентагон биносида содир этилган террор оқибатида 6 минг киши ҳалок бўлди. Ўша бинолар вайроналарини тозалаш жараёнида 200 минг тоннадан зиёд хароба қолдиқлари мавжудлиги аниқланди. Манбаларга кўра, террор келтирган зарар тикланиши учун 54 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бу шунчаки бир иқтисодий рақам сифатида қайд қилинар, лекин масаланинг бошқа бир томони — ҳар иккала бино ва Пентагонда ҳалок бўлган кишиларнинг сони, уларнинг қариндош-уруғлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, баҳо анча ибтидоий тус олган. Энг ёмони, бола гапиряпти, деб ўз позициясини ўтказишга ҳаракат қилган россиялик ҳамкасбларимиз бу террорнинг сабабини диндан қидирадилар. Шунингдек, Американинг ўзи айбдор, Америка террорчи, деган хулосалар ҳам айтиб ўтилади. Чидаб бўлмайдиган томони шундаки, мактаб партасида ўтирган 9-12 ёшлар чамасидаги бир гуруҳ боланинг фикридан террор бошида дин турибди, террорчи бошқа динга мансуб кишиларни қанча кўп ўлдирса, жаннатга тушиши шунчалар осон кечади, деган ғирт аҳмоқона гапларнинг журналда берилишини биз сира ҳазм қилолмадик.

Бу нима дегани? Келаётган ёш авлод тасаввурида Шарқу Ғарб деган девор тиклашмоқчими? Бу билан матбуот эркинлиги намойиш қилинаётгани йўқ. Балки айрим журналистлар ўз ичидаги ғаразли мақсадларини ифода қилмоқдалар. Журналда «Ҳаётнинг интиҳоси...» сарлавҳали мақола чоп этилган. Ўша мақолада ҳам Шарқ ҳаётининг «қолоқлиги» хусусида тап тортмасдан, беандишалик билан мулоҳазалар айтиб ўтилади. Гапнинг очиғи, ушбу мақолани синчиклаб ўқиган одам коса тагидаги нимкосани тушуниб олади. Терроризм баҳонасида, АҚШда бўлиб ўтган қонли воқеа сабаб бўлмаган ғояларни илгари суришга ҳаракат қилган россиялик журналистлар «Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди?» деган мақолни ёдга солади.

Ҳали Афғонистон ҳудудида терроризмга қарши кураш операцияси интиҳо топмай туриб, «Известия» газетаси (2001 йил 10 октябрь) ҳа, деб америкаликлар энди қайси давлатларни бомбардимон қиладилар, америкаликлар Афғонистонни бомбардимон қилиш билан чегараланиб қолмайдилар, деган мавзуни ўртага ташладилар. Шу гап-сўзлар атрофида турли хил бўлар-бўлмас фаразларни баён этишмоқда. Тўғри, ҳар бир нашрнинг ўз йўли, йўналиши бор, лекин инсоният ҳаётига даҳлдор бўлган воқеликка нисбатан панжа ораси-дан қараш, асосий гап қолиб бошқа томонларга урғу бериш мутлақо аянчли ҳолдир. «Известия» ер юзида ваҳима уйғотишдан кўра, террор ва унинг оқибатлари, террор на мусулмон, на бошқа давлатларни аяб ўтирмаслиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирса ёмон бўлмас эди. Ҳар икки гапнинг бирида ислом, ҳар икки гапнинг бирида мусулмон давлати, ҳар икки гапнинг бирида дунё уруш оловини кенгайтиришга урғу бергувчи сафсаталар сўқишдан кўра, нега ер шари бугун шу аҳволга келиб қолди, деган саволга жавоб излаш «Известия»дай «кўпни кўрган» нашр учун ўринли бўлар эди.

Ҳозир Афғонистондаги террор ўчоқлари АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларидан нишонга олинар экан, бир нарсани айтиб ўтишимиз керак. Афғонистоннинг асосий қисми тоғликлардан иборат. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди билан чегарадош. Ўртада Амударё оқиб ўтади. Амударёдан сўнг Хайратон, Пулиҳумри, Мозори Шариф, Хирот — Шимолий Иттифоққа тегишли ҳудудлар бошланади. Қобулга Саланг ҳудудида жойлашган тоғлар орқали, аниқроғи, иккала томони тоғ билан ўралган йўл орқали ўтилади. Саланг тугаб Жабалсарой бошланади. Жабалсаройнинг сўл қисмида Чорикор мавжуд. Ана шу Чорикорнинг шарқий қисми Пагман ҳамда Гардиз вилоятларига туташади. Толибларнинг асосий куч-таянчи Қобул, Гардез, Пагман орқали ўтиб Шимолий Иттифоққа ҳужум уюштираяпти.

Бу ўринда Чорикор толибларнинг нафас ростлаши учун асосий нуқталардан бири бўлиб хизмат қилади. Шимолий Иттифоқ қўшинларининг қўли устун келиши натижасида бугунги кунда мана шу жой, яъни Афғонистоннинг «Яшил ўрмонзори» — Чорикордан толибларнинг мингдан зиёд қўшини ҳамда 40 га яқин дала командири таслим бўлишга розилик берган экан, демак, бу ўз-ўзидан жангнинг ҳал қилувчи палласи етиб келганини кўрсатади. Шу муносабат билан айтишимиз мумкинки, терроризмга қарши курашнинг иккинчи босқичида намоён бўлган турли хил иғволар, аниқроғи, Ўзбекистоннинг жанубий қисми таҳликали ҳолатда қолди, толиблар Шимолий Иттифоқдан Ўзбекистон ҳудудига ўтиши мумкин, деган асоссиз, жанг тактикасини билмасдан, Афғонистондаги географик ҳудудни англамасдан тарқатилган уйдирмалар барҳам топди. Ёлғоннинг умри қисқа, деб шуни айтадилар. ОРТ, НТВ телеканаллари, «Комерсантъ», «Независимая газета» сингари нашрлар ёлғон ва бўҳтон тарқатиб, шарманда бўлди-қолди.

Бу ҳолни, россиялик ҳамкасбларнинг ёлғон ва иғво тарқатганини Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дастури орқали чиқиш қилган ТВ-6 нинг мамлакатимиз жанубига келиб, воқеликни ўз кўзи билан кўрган Иван Валюхин деган мухбири ҳам инкор қилди. Шундай вазиятда РТРнинг «Вести» кўрсатуви орқали намойиш этилган битта манзара бизни ўйга толдиради. Абхазияда содир бўлган кескин вазият билан биргаликда мамлакатимиз жанубидаги аҳволни депутатлар Россия давлат думасида ўзларича муҳокама қилдилар. Уларнинг айтишича, Америка ҳарбий самолётлари мамлакатимиз жанубидаги аэродромга қўнган. Бир нарсага ойдинлик киритайлик, ҳозир Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик — халқ тинч меҳнат билан банд. Шундай ҳолатда Ўзбекистондаги, мустақил Ўзбекистондаги ҳаётни муҳокама қилиш Россия давлат думаси депутатларига нима сабабдан керак бўлиб қолди? Энг қизиғи, депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришар экан, «Ўзбекистонга АҚШ ҳарбий самолётлари келиб қўнди. У ердан шу самолётлар Афғонистонга кўтарилади», деб изоҳ беришди. Хўш, гапнинг «худо»сини айтгач, «берди»сини ҳам айтиш керак-да. Ахир, мамлакатимиз Президенти баёнотида ҳам Ўзбекистон Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами бериш учун АҚШ самолётларига битта аэродром ажратди-ку. Нега энди россиялик жаноб депутатлар бу нарсага панжа ортидан қарашади? Нега энди улар бу ҳақиқатни айтишмайди? Нега Россия халқини, «Вести»нинг миллионлаб томошабинларини чалғитишади? Ахир, бирорта ҳам АҚШнинг қирувчи самолёти бизнинг юртимиздан ҳавога кўтирилмаслигини наҳотки билишмаса?! Билишади. Агар чиндан ҳам Ўзбекистондан Америка самолётлари инсонпарварлик ёрдамини олиб ҳавога кўтарилишини депутатлар ўз маърузасида айтган бўлсалар, нега энди «Вести» мухбирлари бу сўзларни кесиб ташлашди? Ҳақиқатга тик қараш бундай бўлмайди.

Хуллас, ҳамма нарса ойдинлашиб бораётган бугунги кунда, ҳар қандай вазиятни вақт ҳал этаётган ушбу ҳолларда ҳам Ўзбекистонда уруш ва низо чиқишини истагувчи, қўполроқ қилиб айтганда, толибларнинг чегарамиз ҳудудидан кесиб ўтишини хоҳлагувчи кучлар борлигини ҳар биримиз билиб, сезиб турибмиз. Шу ўринда толибларнинг мағлубиятга учраши бизга нисбатан ўнг кўз билан қарамайдиган баъзи бир сиёсатдонларга ёқмаяпти деган фикрга келасан киши.

Ёлғонлар инкор бўлаяпти. Лекин айрим нашрлар ҳанузгача ўз билганидан қолмаяпти. Қўлимизда «Иностранец» ҳафталигининг сўнгги сони. Ушбу газетанинг дастлабки саҳифаларидаги юқорида айтганимиз ер шарини иккига бўлиш — икки дин ўртасида низо чиқаришга уринишлар ва оддий халқни йўлдан оғдириш ғояси усталик билан сингдирилган. Ачинарли томони шундаки, газета оддий одамлардан тортиб, зиёлилар, сиёсатдонларнинг фикрини берар экан, асосий гап — терроргa қарши курашиш ғояси четда қолиб, инсониятни Америка ва ислом динига қарши гиж-гижлашдан нарига ўтмаяпти. Шу ўринда айтиш керакки, Россия гўёки терроргa қарши кураш масаласида четга чиқиб қолиши керак, деган хулоса ҳам оддий одамлар фикрига ўрнашиб қолиши ҳеч гап эмас. Мана, бугунги айрим нашрлар нима билан шуғулланишмоқда?

Кейинги пайтларда жаҳон матбуоти «Жиҳод» деган сўзга урғу бера бошлади. Эмишки, террорчи толибонлар АҚШ ва унга ҳаммаслак давлатларга жиҳод эълон қилармиш. Бундан ташқари Шимолий Иттифоқда 8-10 минг кишилик қўшинлари билан толибонлар Ўзбекистонга ҳам жиҳод эълон қилишга шай турганмиш. Бу иғво энди эскирди. Бу иғвони «ит ҳурар, карвон ўтар» деганларидек, вақт чиппакка чиқарди. Шимолий Иттифоқда терроризмга қарши курашаётган кучлар қўли устун келди. Шундай экан, йўқ толибнинг ўзи қандай қилиб Ўзбекистонга жиҳод эълон қилади, қандай қилиб мамлакатимиз жанубига бостириб кира олади?

Биз бугун ҳар қандай вазиятда халқимиз, мамлакатимиз, бутун инсоният манфаати йўлида бор ҳақиқатни айтаётган, терроргa қарши курашаётганлар сафидамиз. Қувонарлиси, ўзбек халқи, ўзбекистонликлар рост билан ёлғонни англай билдилар. Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти ва ўзбек халқи, Ўзбекистон давлати ўз позициясига эга. Кимки, бизга, ўз қарашларимиз мавжудлигига шубҳа қилса, мамлакатимиз Президентининг баёнотини ўқиб чиқсин, ўргансин.

■ **Азим СУЮН,**
Қўчқор НОРҚОБИЛ

БУҒДОЙЛИ «БРАВО»НИ БИЛАСИЗМИ?

Навоий «Донинвест» фирмасига қарашли «Истиқлол» пиво заводининг иш бошлаганига ҳали 1 йил бўлмади. Бироқ ана шу қисқа даврда завод жамоаси Германиянинг «Бавария» пивоси билан рақобатлаша оладиган, жаҳон стандартларига тўла мос бўлган 8 хил турдаги энг замонавий пиво ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Германия технологияси ва асбоб-ускунасига эга бўлган мазкур заводда ҳар куни ўртача 10 минг литр пиво ярим литрлик шиша идишларга қадоқланмоқда.

— Айниқса, «Браво-4», «Браво-5» пиволарининг бозори чаққон, — дейди завод директори Убайдулла Омонов. — Уларни нафақат олтинтопарлар шаҳри — Зарафшон, Навоий, Учқудуқда, балки Нукус, Тошкент, Қарши, Термиз, Бухорода ҳам хуш кўришади.

Дарҳақиқат, Навоий «Браво»си бугунги кунда олмон «Бавария»си каби қўлма-қўл бўлиб кетаяпти. Заводда нафақат арпадан, балки буғдойдан ҳам энг хуштаъм пиво ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буғдойли солит (иккиламчи буғдой ширасси)дан махсус тайёрланган «Браво-7»ни навоийликлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Россия пиволари каби Ҳамдўстлик мамлакатларига олиб чиқишмоқчи.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



КЕЛАЖАКНИ ОПИЧЛАБ...

МИННАТДОРЧИЛИК

ШИРИН МУОМАЛА-Ю ХОЛИС ХИЗМАТ САБАБ

Ешим 39 да. Тўрт нафар фарзандим бор. Кутилмаганда бронхиал астма касаллигига чалиндим. Қарийб тўққиз йилдирки, бу дард чангалидан қутула олмай азобланар эдим.

Избоскан туманида умрини беморларни даволашга бахшида этган Улуғбек Абдулҳакимов деган малакали шифокор хусусий шифохона очиб, шифобахш гиёҳлар ёрдамида ошқозоничак, камқонлик, бронхиал астма, буйрак тоши, бавосил касалликлари билан оғриган кўплаб беморларга яқиндан ёрдам бериб, даволаётганлигидан хабардор бўлдим ва унга мурожаат қилдим.

Мени бу шифокор ширин сўз, меҳрибонлик билан қабул қилиб, ҳар сафар шу тариқа ташқаригача кузатиб қолар эдики, у киши берган дори-дармонлардан кўра, менга кўрсатган аъло даражадаги инсонийлик муомаласи-ю беминнат хизмати яхши кайфият, руҳан тетиклик бахш этар эди. Шу кунларда эса аҳволим анча яхшиланиб, соғлиғимда ижобий ўзгаришлар бўлаяпти.

Мен шифокор Улуғбек Абдулҳакимовга ҳамда у киши билан бирга хизмат қилаётган меҳрибон ҳамшираларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

■ **Олияхон ТУРҒУНОВА,**
Андижон вилоят Избоскан туман «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги, II гуруҳ ногирони

«ТАРАҒАЙ ҒОРИ»ДАГИ ПАЙКОН

Самарқанд туманидаги «Сиёвуш» ҳарбий-ватанпарварлик уюшмасининг 25 аъзоси туман ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда соҳибқирон Амур Темур номи билан аталувчи «Тарағай ғори»га саёҳат уюштирди. Тоғнинг сервиқор чўққисига улар республикамиз байроғини ўрнатишди.

Саёҳат беҳуда ўтмади. Курсант Тугалов ғор ичини кўздан кечираётиб, темирдан ясалган пайкон топиб олди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қадимшунослари топилмани XV-XVII асрларга тегишли деб ҳисоблашмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

АЛ-БУХОРИЙНИНГ ҚАЙТИШИ

Истиқлолнинг ўн йиллиги шодиёналари давом этаётган айни кунларда бухороликларнинг қувончи қўшалоқ. Боиси, ҳадис илмининг султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ўзи туғилган юртига қайтди. Бухороликлар шариф шаҳарнинг Чашмаи Айюб меъморий обидаси ёнида ҳазратнинг жуда чиройли мозийгоҳини барпо этиб, савоб иш қилдилар. Ундаги рамзий қабрга Имом Бухорийнинг Самарқанд вилояти Челак туманидаги мақбарасидан келтирилган хоки қўйилган.

Айни кунларда бу табаррук жойни зиёрат қилишга келаётганлар сони соат сайин ошмоқда. Айниқса, ёшлар ислом оламининг буюк даҳоси қолдирган маданий меросдан шу муҳитда баҳраманд бўлаётирлар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари» ҳақидаги қарорининг жойлардаги ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишда ХДПдан сайланган депутатлар, шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

✧✧✧

ХДП Қамаши туман кенгаши меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида, «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш — доимий ишимиз» мавзуида мунтазам равишда учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда. Чим жамоа хўжалигининг Абди Бозоров етакчилик қилаётган бригадаси дала шийпонида уюштирилган суҳбат, жаҳонда кечаётган воқеаларга қаратилди.

✧✧✧

Қарши шаҳридаги Оналар ва болалар шифохонасида, «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов дунё халқларининг тинчлигига хавф солаётган халқаро терроризмга қарши курашишда давлатимиз сиёсати ва унинг амалий ҳаракати кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидлади.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Фарғона туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Я. Каримов бошқа ишга ўтганлиги сабабли ўз вазифасидан озод қилинди. С. Акимов ХДП Фарғона туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи котиби З. Абдуллаева иштирок этди.

✧✧✧

ХДП Марҳамат туман кенгашида 2002 йил обуна мавсумини ташкил этиш масалаларига бағишланган партия фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани юқори савияда ташкил этган партия ташкилотлари учун рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланди.

✧✧✧

ХДП Асака шаҳар кенгаши ташаббуси билан Булоқбоши туманида узоқ йиллар халқ таълими соҳасида фидокорона меҳнат қилган фахрийлар ва фаол мураббийлар иштирокида «Қадрдон менинг устозим» мавзуида «давра суҳбати» ўтказилди.

✧✧✧

ХДП Андижон шаҳар кенгаши «Саъдий», «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни ва моҳиятига бағишланган «давра суҳбат»ларини ўтказди. Шунингдек, ушбу йиғилишларда ЎзХДП ташкил топган куннинг 10 йиллигини нишонлаш, партия сафларини кенгайтириш масалалари ҳам кўрилди.

✧✧✧

Партия Наманган вилоят кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда қишлоқларда, дала шийпонларида шоир Эрмамат Нурматов, драматург Абдулла Жаббор, адабиётшунос олимлар Алихон Ҳалилбеков, Аҳмад Убайдуллаев ва вилоят театри ижодкорлари иштирокида ҳордиқбахш учрашувлар ташкил этди.

✧✧✧

Норин туманидаги «Катта Ўлмас» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти барча оммавий-сиёсий ишларни пахта далаларига кўчирди. «Ёшлар ҳуқуқлари» мавзуидаги тадбирда ХДП сафига кирган ёшларга партияга аъзолик билетлари топширилди.

✧✧✧

ХДП Қўқон шаҳар кенгаши «Истиқлол» бадиий-ҳаваскорлар дастасини ташкил этиб, Қўқон тиббиёт коллежи талабалари ўртасида «Ватанимиз тинчлиги учун» мавзуида, маданий-маърифий тадбир уюштирди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«САМАРҚАНДИЯ»

Яқинда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Насафийнинг «Самарқандия» («Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек) ширин китоб») номли китобини босмадан чиқарди. Ушбу асар, асосан самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннаҳр тарихи, географияси, топонимияси ҳамда ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган қўлёзма нусхасининг «хо»дан «коф» ҳарфларигача бўлган қисмларигина сақланиб қолган.

